

**23-29-40-41-48-7-37-47-54-55-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида  
аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 02 -сонли**

2022йил “26” Январ

Давлатобод тумани

Кейинги ўринларда "аутсорсер" деб аталадиган “**MADADKOR TA'MINOT SAVDO**” хусусий корхонаси номидан корхона раҳбари **Аҳадов Баҳодир Каримжанович** бир томондан ва кейинги ўринларда "буюртмачи" деб аталадиган **Давлатобод туман мактабгача таълим бўлими** номидан бўлим мудир **Халматов Аҳаджон Азамжонович** иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартноманинг предмети**

1.1. Наманган шаҳар Давлатобод тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги **23-29-40-41-48-7-37-47-54-55-сонли** давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома **23-29-40-41-48-7-37-47-54-55-сонли** давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома киймати **23-29-40-41-48-7-37-47-54-55-сонли** давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ **192 904 674 (Бир юз тўқсон икки миллион тўққиз юз тўрт минг олти юз етмиш тўрт )** сўмни ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади. (сўмда).

*1. Қисқа бўлмаган гуруҳлар бўйича:*

Ташкил от номи	Тарбияланувчилар сони (нафар)			СанҚваМ бўйича 1 нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати* (сўмда)		Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони	Жами харажат (сўмда)	Устама (ҚҚС билан)		Шундан ҚҚС (сўмда)	Шартноманинг умумий қиймати
	Жами	3-4 ёш	4-7 ёш	3-4 ёш	4-7 ёш			%	Сўмда		
23-МТТ	31	6	25	11 000	12 995	59	23 061 625	15 %	3 459 244	0	26 520 869
29-МТТ	11	3	8	11 000	12 995	59	8 080 640	15 %	1 212 096	0	9 292 736

40-МТТ	16	3	13	11 000	12 995	59	11 914 165	15 %	1 787 125	0	13 701 290
41-МТТ	27	5	22	11 000	12 995	59	20 112 510	15 %	3 016 877	0	23 129 387
48-МТТ	28	7	21	11 000	12 995	59	20 643 805	15 %	3 096 571	0	23 740 376
7-МТТ	16	3	13	11 000	12 995	59	11 914 165	15 %	1 787 125	0	13 701 290
37-МТТ	28	5	23	11 000	12 995	59	20 879 215	15 %	3 131 882	0	24 011 097
47-МТТ	16	5	11	11 000	12 995	59	11 678 755	15 %	1 751 813	0	13 430 568
54-МТТ	29	7	22	11 000	12 995	59	21 410 510	15 %	3 211 577	0	24 622 087
55-МТТ	24	3	21	11 000	12 995	59	18 047 805	15 %	2 707 171	0	20 754 976
<b>Жами</b>	<b>226</b>	<b>47</b>	<b>179</b>				<b>167 743 195</b>		<b>25 161 479</b>	<b>0</b>	<b>192 904 674</b>

KU76224241

\*) Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби **1, 1а ва 1б-иловаларда** келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда **3 ёшдан 4 ёшгача бўлган** тарбияланувчилар сони **47 нафар**, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати **11 000** сўмни ташкил этади. **4 ёшдан 7 ёшгача бўлган** тарбияланувчилар сони **179 нафар**, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати **12 995** сўмни ташкил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби **1, 1а ва 1б-иловаларда**, ойма-ой тўлов жадвали **2-иловада** келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:

KU76224241

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида копланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидемиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича тақлиф қилган инвестиция мажбуриятларини **3-илова**да белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

## 2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини **3-илова**да белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

### **III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш**

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

#### 3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 30 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

#### **IV. Шартнома бўйича жавобгарлик**

##### **4.1. Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:**

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айниган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкни бут сақланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича тақлиф қилган инвестиция мажбуриятларини **3-илова**да белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

##### **4.2. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:**

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини **3-илова**да белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида қирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

4.3. Аутсорсер томонидан оқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширилмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кўрсатилмаган хизматлар суммасининг

0.5 фоизи миқдорида, аммо кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## **V. Форс-мажор ҳолатлар**

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

## **VI. Бошқа шартлар**

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли ҳудуддаги иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

KU76224241

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

6.4. "MADADKOR TA'MINOT SAVDO" хусусий корхонаси томонидан 118-119-120-лотлар бўйича Мактабгача таълим ташкилотларига киритиладиган инвестициялар рўйхати 4-иловада келтирилади.

### VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

### VIII. Томонларнинг реквизитлари

"Аутсорсер"

«MADADKOR TA'MINOT SAVDO»

хусусий корхонаси

Адрес: Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси,  
Исфархон гўшт дўкони.

х/р 20208000800605473001

Банк номи АТ "Халқ банки"

Янгиқургонфилиали

МФО 00712 СТИР 303 885 534

ОКЭД 56290

"Буюртмачи"

Давлатобод тумани Мактабгача

таълим бўлими

Манзил: Давлатободтумани 5а-кичик тумани,  
Янгитонг МФЙ

Тел/факс \_\_\_\_\_

ш/х\*400522860144017091100251068

ш/х\*100022860144017091100251095

СТИР 207330473 ОКИД \_\_\_\_\_

Наманган ш Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк

ХККМ, МФО 00014

Ҳазначилик СТИР 201122919



Корхона раҳбари

Б.Ахадов



МТБ мудир

А.Халматов

KU76224241



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MADADKOR TA'MINOT SAVDO" Xususiy korxonona**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"MADADKOR TA'MINOT SAVDO" XK**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.04.2016

08503

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303885534

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxonona

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, MARG'ILON, "ISFARXON" GO'SHT  
DO'KONI,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№ KU76224241

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Davlatobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "MADADKOR TA'MINOT SAVDO" xususiy korxonasi o'rtasida outsorsing usulida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish to'g'risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Davlatobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 27-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**B.Maxmudov**

2022-yil 27-yanvar

2022 йил "05" январдаги  
01-сонли шартномага

I-ИЛОВА

бир нафар 3 ёшдан 4 ёшгача тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати

**ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	Нархи (сўм)	Микдори (грамм)*	Суммаси** (сўм)
1.	Витамин ва минераллар билан бойитилган олиива I-навли унидан нон маҳсулотлари	3500	90	315
2.	Олиива I-навли ун	3000	25	75
3.	Краҳмал	0	3	0
4.	Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр	7754	35	271,39
5.	Шакар	9000	20	180
6.	Қандолат маҳсулотлари (повидло, джем, мураббо)	13000	10	130
7.	Сариёғ (табiiй, сигирсутданолинган )	44000	15	660
8.	Ўсимлик мойи	17000	7	119
9.	Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5 — 3,2%)	4500	180	810
10.	Қатик, кефир.	11000	100	1100
11.	Сметана (ёғлилик даражаси 15%)	14000	5	70
12.	Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%)	18000	20	360
13.	Пишлоқ (шу жумладан қаттиқ турдаги)	35000	8	280
14.	I категорияли мол, қўй, парранда, қуёнғўшти	52000	60	3120
15.	Балиқ (тозаланган, бошсиз, музлатилган)	30000	20	600
16.	Тухум (дона)	950	0,5	475
17.	Картошка	4500	100	450
18.	Сабзавотлар (шу жумладан помидор пастаси 3 — 5 гр)	3800	150	570
19.	Мевалар, резаворлар, шарбатлар.	9000	130	1170
20.	Курук мевалар (туршак, майиз, олхўри, олма, наматак, ёнғоқ)	6000	10	60
21.	Чой	23000	0,3	6,9
22.	Какао	66000	2	132
23.	Йодланган оштузи, табиий таъмир ошловчилар (зира, кашнич дон)	1500	4	6
24.	Хамиртуруш, разрыхлитель-(пишириккукуни), улчшитель-(хамирнияхшилайдиган восита), пищевая сода-(ошсодаси)	40000	1	40
	<b>Жами</b>	<b>X</b>		<b>11000</b>

KU76224241

2022 йил “05” январдаги  
01-сонли шартномага

1а-ИЛОВА

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар 4 ёшдан 7 ёшгача  
тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати

**ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	Нархи (сўм)	Миқдори (грамм)*	Суммаси ** (сўм)
1.	Витамин ва минераллар билан бойитилган олиива 1-навли унидан нон маҳсулотлари	3500	100	350
2.	Олиива 1-навли ун	3000	30	90
3.	Краҳмал	0	3	0
4.	Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр	7754	45	348,93
5.	Шакар	9000	25	225
6.	Қандолат маҳсулотлари (повидло, джем, мураббо)	13000	10	130
7.	Сариёғ (табiiй, сигирсутдан олинган )	44000	20	880
8.	Ўсимлик мойи	17000	8	136
9.	Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5 — 3,2%)	4500	200	900
10.	Қатик, кефир.	11000	100	1100
11.	Сметана (ёғлилик даражаси 15%)	14000	5	70
12.	Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%)	18000	20	360
13.	Пишлоқ (шу жумладан қатик турдаги)	35000	10	350
14.	I категорияли мол, қўй, парранда, қуён гўшти	52000	80	4160
15.	Балиқ (тозаланган, бошсиз, музлатилган)	30000	20	600
16.	Тухум (дона)	950	0,5	475
17.	Картошка	4500	120	540
18.	Сабзавотлар (шу жумладан помидор пастаси 3 — 5 гр)	3800	180	684
19.	Мевалар, резаворлар, шарбатлар.	9000	150	1350
20.	Курук мевалар (туршак, майиз, олхўри, олма, наматақ, ёнғоқ)	6000	10	60
21.	Чой	23000	0,3	6,9
22.	Какао	66000	2	132
23.	Йодланган ош тузи, табиий таъмир оловчилар (зира, кашнич дон)	1500	5	7,5
24.	Хамиртуруш, разрыхлитель-(пиширик кукуни), улучшитель-(хамирнияхшилайдиган восита), пищевая сода-(ош содаси)	40000	1	40
	<b>Жами</b>	<b>X</b>		<b>12995</b>

KU76224241

5-январдаги  
01-сонли шартномага  
2-ИЛОВА

**Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома  
бўйича тўловларни амалга ошириш графиги**

<b>Йил ва ой</b>	<b>Тўлов миқдори (сўм)</b>
2022 йил Январь	65 391 415
2022 йил Февраль	65 391 415
2022 йил Март	62 121 844
2022 йил Апрель	
2022 йил Май	
2022 йил Июнь	
2022 йил Июль	
2022 йил Август	
2022 йил Сентябрь	
2022 йил Октябрь	
2022 йил Ноябрь	
2022 йил Декабрь	
<b>Жами</b>	<b>192 904 674</b>